

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Tar/Yu/I/S/24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРХАНОВА ДИЛДОРА ШАРИПХАНОВНА

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ

ЮРИДИК ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Умарханова Дилдора Шарипхановна

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини
такомиллаштириш 3

Умарханова Дилдора Шарипхановна

Совершенствование механизма международного сотрудничества по
уголовным делам..... 37

Umarkhanova Dildora Sharipkhanovna

Improvement of mechanism of international cooperation in criminal
matters 71

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 75

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Tar/Yu/I/S/24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРХАНОВА ДИЛДОРА ШАРИПХАНОВНА

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ

ЮРИДИК ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Yu50 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси иши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uwed.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.zionet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Хамедов Иса Ахлиманович юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Рашидов Комил Каюмович юридик фанлар доктори, профессор Исмаилов Баҳадыр Исламович юридик фанлар доктори Миразов Даврон Мирагзамович юридик фанлар доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари

Диссертация ҳимояси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tar/Yu/I/S/24.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100077, Тошкент ш., Мустақиллик кўчаси, 54) Тел.: (998971) 267-67-69; факс: (998971) 267-09-00; e-mail: rektorat@uwed.uz.

Докторлик диссертацияси билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100077, Тошкент ш., Мустақиллик кўчаси, 54. Тел.: (998971) 267-67-69)

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____даги _____рақамли реестр баённомаси).

Р.Ф.Фармонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раис ўринбосари, тарих фанлар доктори, профессор

Н.А.Нугманов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, доцент

Б.Н.Тошев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда глобаллашув ва интеграциялашув жараёнларининг жадаллашиб бориши натижасида трансмиллий жиноятлар сони¹ ошиб бормоқда. Шу сабабли, жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашдаги давлатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ҳамда мазкур масалада янги, самаралироқ шаклларда ҳамкорлик қилиш халқаро ҳамжамиятнинг диққат эътиборини жалб этаётган устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада, БМТнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти натижалари² ҳам ушбу масаланинг долзарблигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш юзасидан элликка яқин халқаро шартномаларни имзоланган ҳамда уларда белгиланган мажбуриятларини бажариш мақсадида глобал ва регионал халқаро ташкилотлар ва давлатлар билан узвий алоқадорликда фаолиятини ташкил этиб келмоқда. Мазкур йўналишдаги чора-тадбирлар «БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари»³ ва «Ҳаракатлар стратегияси»⁴да белгиланган вазифалар доирасида тизимли равишда ривожлантирилмоқда.

Жаҳонда жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликка оид нормаларни тизимлаштириш, кодификациялаш, универсал юрисдикциянинг қўлланилиш доирасини белгилаш, халқаро судлов органлари билан ҳамкорлик қилиш ҳамда хорижий давлат суд ҳукмини ижро этиш масалаларига қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу нуқтаи назардан, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш доирасида экстрадиция институтини такомиллаштириш, унинг соддалаштирилган механизмининг шакллантириш, ўзаролик принципининг қўлланилиш тартибининг аниқлаштириш, ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг янги шаклларини жорий этиш, маҳкумларни ҳукми ижро этиш учун ҳамда руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаш учун фуқаролигига тегишли бўлган давлатга топшириш ва қабул қилишнинг халқаро ҳужжатларда белгиланган тартибининг Ўзбекистон қонунчилигига имплементация этиш масалаларини комплекс илмий тадқиқ этиш муҳим.

БМТ «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши» ва «Коррупцияга қарши» конвенциялари, МДҲ давлатлари ўртасида имзоланган 1997 йилдаги «Руҳий касалликларга чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги

¹ Биргина одам савдоси жиноятининг сони охириги беш йилда (2012-2016) аввалгига нисбатан 2 баравар ошди / Халқаро меҳнат ташкилотининг 2017 йилдаги хисоботи // www.ilo.org

² Резолюция 2370 (2017) Совети Бизопасности // Угрозы международному миру и безопасности, создаваемые террористическими актами – недопущение приобретения террористами оружия от 2 августа 2017 года ва бошқалар.

³Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2015-2030 йилларга мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари (17-мақсад). [Электрон ресурс]: <http://www.un.org/sustainabledevelopment/sustainable-development-goals/>

⁴2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Президент Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисида»ги конвенцияси, ШХТ «Терроризмга қарши» конвенцияси ва бошқа жинойт ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик масалаларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлган икки ва кўп томонлама халқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикасининг Жинойт-процессуал кодекси (1994), Жинойт-ижроия кодекси (1997), «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун (2012), «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун (2017), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сонли Фармони, «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси» (2012), 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 30 ноябрдаги «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора тadbирлар тўғрисида»ги ПФ-5268-сонли Фармони ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини муайян даражада амалга оширишга ушбу диссертация тadbқиқоти хизмат қилади.

Тadbқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тadbқиқотлар шарҳи⁵. Жинойт ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмининг такомиллаштиришнинг муайян жиҳатлари бўйича илмий тadbқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказ ва олий таълим муассасаларида, жумладан, European Institute for Crime Prevention and Control (Финляндия), European Law at the University of Tilburg (Нидерландия), Max Planck Institute for Foreign and International Criminal Law (Германия), Oxford University Faculty of Law Centre for Criminology (Буюк Британия), University of Sydney (Австралия), Middlesex University School of Law (Буюк Британия), International Institute of Higher Studies in Criminal Sciences (Италия), DePaul University College of Law (АҚШ), Beijing Normal University (Хитой), The University of British Columbia (Канада), Московский государственный институт международных отношений (Россия), Академия МВД Республики Казахстан (Қозғоғистон), Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

⁵Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тadbқиқотлар шарҳи www.heuni.fi, www.tilburguniversity.edu, www.uu.nl, www.mpicc.de, www.law.ox.ac.uk, sydney.edu.au, www.isisc.org, www.mdx.ac.uk, law.depaul.edu, iso.bnu.edu.cn, www.ubc.ca, www.unn.ru, www.usla.ru, www.mgimo.ru, msal.ru, www.agprf.org, www.dipacademy.ru, vipe.fsin.su, www.uwed.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Жиноят ишлар бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш масаласида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: экстрадиция бўйича халқаро ҳамкорлик масалаларининг янги тизими асосланган (Beijing Normal University, Московский государственный институт международных отношений, Академия МВД Республики Казахстан), экстрадиция бўйича ҳукми ижро этиш борасидаги механизм ишлаб чиқилган (The University of British Columbia), жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликда Европа тизими асосланган (European Institute for Crime Prevention and Control), жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликда инсон ҳуқуқларининг таъминланиши борасида янги механизм асослантирилган (European Law at the University of Tilburg, Oxford University Faculty of Law Centre for Criminology, Middlesex University School of Law, DePaul University College of Law), жиноят содир қилган шахсларни экстрадиция қилиш бўйича халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик масалаларини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилган (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети).

Дунёда жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик йўналиши бўлган ўзаро ҳуқуқий ёрдамнинг янги шакллари, жумладан, халқаро шартнома ва битимларга асосланган ҳолда тезкор-тергов гуруҳини ташкил этиш, уни тартибга солиш ҳамда такомиллаштириш; озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазо ўташни давом эттириш учун ҳамда руҳий ҳолати бузилган шахсларни мажбурий даволаш учун топширишнинг норматив-ҳуқуқий тартибга солинишини ривожлантириш; инсон ҳуқуқларини муҳофаза этиш ва таъминлашдаги ролини ошириш; уни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу тадқиқот иши билан боғлиқ муаммоларининг халқаро-ҳуқуқий жиҳатларини комплекс равишда ўрганиш масаласи алоҳида тадқиқот объекти бўлмаган.

Жумладан, трансмиллий жиноятларнинг турлари, жиноятчиликка қарши кураш масалалари бўйича халқаро ҳамкорликнинг айрим жиҳатларини ёритган мамлакатимиз олимларидан – Б.И.Исмоилов, Г.А. Маткаримова, Д.Сатторов, С.Р.Кахаров, М.М.Азимов, Ш.Ҳамроева, В.Артикова⁶ ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян даражада кўриб чиқилган.

⁶ Исмоилов Б.И. Проблемы международно-правового сотрудничества Республики Узбекистан в борьбе с терроризмом и организованной преступностью. // Экстремизм, терроризм, гуруҳий ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари. –Тошкент, 1999. – Б.32–33.; Маткаримова Г. Халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон ҳуқуқий тизими. – Тошкент: ТДЮИ, 2002. – Б. 40-41.; Маткаримова Г.А. Халқаро жиноят ҳуқуқи. Ўқув қўлланма / Маъсул муҳаррир: И.М.Умарахунов. – Тошкент: Шарқ, 2006. – Б. 45.; Сатторов Д. Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари БМТ Халқаро суди фаолиятининг асоси сифатида: Юрид. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – Б. 12.; Ҳамраева Ш. Аёллар траффигини (пуллаш) бартараф этишда халқаро ҳамкорлик муаммолари: Юрид. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2003. – Б. 71.; Кахаров С.Р. Халқаро ҳуқуқда жисмоний шахсларнинг терроризм учун жиноий жавобгарлиги: Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – Б. 11.; Азимов М.М. Халқаро хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда судлов юрисдикцияси муаммолари: Юрид.фан.номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – Б. 3-4.; Артикова В.А. Римский Статут Международного уголовного суда: некоторые правовые аспекты имплементации в национальное законодательство Узбекистана. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 2008.

Шу билан бирга мавзуга доир масалалар юзасидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар ичида Ф.М.Файзиев⁷ давлатлар ўртасида ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга оид муносабатларни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини тадқиқ этганлигини алоҳида кўрсатиш керак. Мавзу доирасида Р.А.Сайфулов⁸ ўз илмий ишида муаммони ИИВ ва прокуратура материаллари асосида жиноий-процессуал нуқтаи назаридан ўрганган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларининг олимлари – Э.И.Дамирчиев, К.Е.Колибаб, Л.А.Лазутин, Б.Фрахи ва бошқалар⁹ томонидан масаланинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари ўрганилган. Жиноят-процессуал жиҳатларини эса, П.С.Абдуллоев, А.И.Бойцов, А.Г.Вениаминов, И.Ю.Гринь, А.С.Гришин, Т.Т.Казиканов, Ю.В.Минкова¹⁰ каби олимлар ҳам ўрганган.

Хориж олимлари масаланинг халқаро жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан ўрганган бўлиб, М.С.Бассиоуни (*Bassiouni M.C.*), Жон Гью Ким (*Joon Gyu Kim*), Клив Николс (*Clive Nicholls*), Клар Монтгромэри (*Clare Montgomery*), Чиолкю Хванг (*Cheol-Kyu Hwang*), Дионисиос Спинеллис (*Dionysios Spinellis*), Эллин Подгор (*Ellen S.Podgor*), Жеоржиос М.Пикис (*Georghios M. Pikis*), Либор Климеке (*Libor Klimek*), Нэйл Бойстэр (*Neil Boister*), Роберт Кюрри (*Robert J Currie*)лар¹¹ каби олимлар, асосан Халқаро жиноят суди билан давлатларнинг ҳамкорлиги, жиноят ишлари бўйича халқаро

⁷ Файзиев Ф.М. Международно-правовое регулирование отношений между государствами по оказанию правовой помощи. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 2007.

⁸ Сайфулов Р.А. Экстрадиция в уголовном процессе (по материалам МВД и Прокуратуры Республики Узбекистан). Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. юрид. наук. - Ташкент, 2001.

⁹ Дамирчиев Э.И. Сотрудничество государств-членов Европейского Союза в сфере уголовного судопроизводства. Теоретические и практические аспекты. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Москва, 2011.; Колибаб К.Е. Институт передачи осужденных для отбывания наказания в другие государства // Журнал российского права. – М., 1999. – №5-6. – С. 89.; Лазутин Л.А. Правовая помощь по уголовным делам как комплексное формирование в международном уголовном и уголовно-процессуальном праве. дисс. ... док. юрид. н. – Екатеринбург, 2008.; Фрахи Б. Международной сотрудничестве против организованной преступности. Опыт Европейского интеграции // Вестник МПА СНГ. - 1995. - №1. - С. 60-63;

¹⁰ Абдуллоев П.С. Международно-правовая помощь при собирании и проверке доказательств по уголовным делам (УПК Республики Таджикистан). Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Москва, 2014.; Бойцов А.И. Выдача преступников. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2004.; Вениаминов А.Г. Институт экстрадиции как форма международно-правового сотрудничества Российской Федерации в сфере уголовного судопроизводства. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2010.; Гринь И.Ю. Международное сотрудничество в сфере уголовного судопроизводства. Дисс. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2006.; Гришин А.С. Организационно-правовой механизм выдачи лиц для уголовного преследования в российском уголовном процессе: дисс. ... к. юрид. н. – Нижний Новгород, 2010.; Казиканов Т.Т. Международно-правовое регулирование экстрадиции в Республике Казахстан / «Актуальные проблемы уголовно-процессуального права». – Караганда, 2007.; Минкова Ю.В. Институт выдачи преступников в международном праве. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - М., 2002.

¹¹ Bassiouni M.C. Introduction to International Criminal Law. - NewYork, 2003. – 178 p.; Bassiouni M.C. International Extradition: United States Law and Practice (6th Edition) - Oxford University Press, 2015.; Clive Nicholls, Clare Montgomery and Julian B.Knowles. The law of extradition and mutual assistance. Second edition. Oxford University Press. – New York. 2007.; Dionysios Spinellis. Extradition - Recent Developments in European Criminal Law // European Journal of Law Reform, Vol. VIII № 2/3, 2007. – P.223.; Ellen S.Podgor, Roger S.Clark. Understanding international criminal law. Third edition. LexisNexis. – Danvers/ USA.2013.; Georghios M. Pikis. The Rome Statute for the International Criminal Court: analysis of the statute, the rules of procedure and evidence, the regulations of the court and supplementary instruments.- Martinus Nijhoff Publishers, Leiden, Boston, 2010.; Joon Gyu Kim, Cheol-Kyu Hwang. New initiatives on International Cooperation in Criminal Justice. – SNUPRESS (Seoul National University Press), 2012.; Libor Klimek. European Arrest Warrant. – Springer International Publishing, Switzerland, 2015.; Neil Boister. An Introduction to Transnational Criminal Law. Oxford University Press. – New York. 2015.; Robert J Currie, Joseph Riknof. Transnational and international criminal law. Second edition. Irwin Law Inc. – Toronto. 2013.

ҳамкорликнинг минтақавий механизмини ҳамда мазкур соҳада инсон ҳуқуқларининг таъминланиши масалаларига кўпроқ тўхталиб ўтишган.

Юқорида келтирилган муаллифларнинг илмий ишлари жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини такомиллаштиришга оид масалалар бўйича комплекс равишда халқаро ҳуқуқий фанлар доирасида изланишлар олиб борилмаганлигидан далолат беради. Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг ишлари асосан экстрадиция, ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва халқаро ҳамда трансмиллий жиноятчиликка қарши кураш, европа ва америка тизимини ёритишга бағишланган.

Шу кунга қадар олиб борилаётган кўплаб изланишларда масаланинг айрим томонларигина амалий ва назарий жиҳатдан ўрганилган. Бу эса халқаро ҳуқуқ фани нуқтаи назаридан бу соҳадаги халқаро шартномаларнинг рўёбга чиқарилиш механизмини ўрганиш, таҳлил қилиш ва такомиллаштириш эҳтиёжини мавжудлигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети илмий-тадқиқот ишлар режасига киритилган ҳамда халқаро шартномаларни талқин қилиш, имплементация қилиш, содир этилган жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишларининг устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик, уни тартибга солувчи миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқий нормаларни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини ташкил этувчи институтларни аниқлаш ҳамда унинг концепциясини ишлаб чиқиш;

жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик муносабатларини тартибга солувчи принципларини таснифини ишлаб чиқиш ҳамда йўналишларини белгилаш;

экстрадицияга оид муносабатларни тартибга солинишини аниқлаштириш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдамнинг янги ва замонавий шаклларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича таклифларни шакллантириш;

хорижий мамлакатларнинг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий тартибга солинишига оид нормаларни қиёсий-ҳуқуқий таҳлилинини ўтказиш;

озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазо ўташни давом эттириш, шунингдек руҳий касалликка чалинган шахсларни фуқаролигига тегишли бўлган давлатда тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш учун топшириш механизмини ишлаб чиқиш;

жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик масалаларига оид халқаро ҳуқуқ нормаларини Ўзбекистон Республикасининг жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигига ва миллий-ҳуқуқий тизимига имплементация қилиш асослари ва механизми юзасидан таклиф ва тавсиялар бериш;

Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини тартибга солувчи ҳар тарафлама мукамал қонунчилик ҳужжатини ишлаб чиқиш, амалдаги баъзи қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимча киритиш борасида асослантирилган хулоса ва таклифларни шакллантиришдан иборат;

жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик муносабатларни тартибга солишга доир муаммоларнинг илмий ечимини топиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида жиноят ишлари бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик механизмини амалга оширувчи экстрадиция, жиноят ишлари ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда маҳкумларни жазо ўташни давом эттириш учун ўз давлатига топшириш ва қабул қилиш билан боғлиқ халқаро-ҳуқуқий муносабатлар тизими танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси, ваколатли органларнинг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш бўйича фаолияти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусига оид масалаларни тадқиқ этишда дунёда юз бераётган воқеа ва ходисаларни ўрганиш, тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш, умумлаштириш, тизимли ёндашув, қиёсий-ҳуқуқий, тарихий, формал-юридик таҳлил, статистик маълумотларни ўрганиш каби методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорлик ва жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик предмети ҳамда қўлланилиш соҳалари бўйича фарқ илк бор асосланган;

«жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизми» тушунчасининг муаллифлик таърифида экстрадиция, ўзаро ҳуқуқий ёрдам, озодликдан маҳрум қилинган шахсларни топшириш ва қабул қилиш, руҳий касалликка чалинган шахсларни мажбурий тиббий даволаниши учун фуқароси бўлган давлатга топшириш институтлардан иборат бўлган яхлит тизим эканлиги илк бор изоҳланган;

жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик муносабатларини тартибга солувчи принципларнинг янги таснифи шакллантирилган;

озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни фуқаролигига тегишли бўлган давлатга жазо ўташни давом эттириш учун топшириш ва қабул қилишни амалга ошириш тартиби ишлаб чиқилган;

руҳий касалликка чалинган шахсларни фуқаролигига тегишли бўлган давлатда тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш учун топшириш ва қабул қилишни амалга ошириш тартиби ишлаб чиқилган;

жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг халқаро амалиётда ижобий самара бераётган шакллари жорий этиш зарурлиги асосланган ҳамда миллий қонунчиликка халқаро нормаларни имплементация қилиш ва мазкур соҳадаги нормаларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишда универсаллик принципнинг қўлланилиш доираси, асослари ва тизими аниқлик киритилган;

жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш мақсадида давлатларнинг ваколатли органлари биргаликда ҳақарат қилишини тартибга солувчи «Тезкор-тергов гуруҳларини тузиш тўғрисида»ги БМТ Намунавий шартномасини қабул қилиш зарурати асосланган;

жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик масалаларини норматив-ҳуқуқий тартибга солиш концепцияси асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси:

Халқаро ҳуқуқ, халқаро жиноят ҳуқуқ соҳаларини кодификация ва ривожлантириш юзасидан берилган таклифларнинг рўёбга чиқарилиши билан жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш ва соҳага оид халқаро муносабатларнинг тўлақонли ҳуқуқий тартибга солинишини таъминлаш имконини беради.

жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик муносабатларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланган;

озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазо ўташни давом эттириш, шунингдек руҳий касалликка чалинган шахсларни фуқаролигига тегишли бўлган давлатда тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш учун топшириш ва қабул қилишни амалга ошириш тартиби ўз аксини топган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилган;

жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги ҳамкорликнинг янги самарали шакллари бўлган видеоконференцалоқа ҳамда тезкор-тергов гуруҳларини тузиш тўғрисидаги нормалар ўз аксини топган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилган;

трансмиллий жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш мақсадида, жиноятчиларни аниқлаш, далилларни тўплаш ёки топишда тезкор ахборот алмашилиш ва бунга давлатларнинг ваколатли органлари биргаликда ҳақарат қилиши каби муносабатларни тартибга солувчи «Тезкор-тергов гуруҳларини тузиш тўғрисида»ги БМТ Намунавий шартноманинг лойиҳаси тайёрланган;

жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш шакллари махсус жадвалда уларнинг 20 ортиқ шакллари кўрсатилган ҳамда БМТнинг Намунавий шартномалари, БМТнинг махсус соҳаларга оид универсал конвенциялари, МДҲ доирасида Минск ва Кишинев конвенциялари, икки

томонлама шартномалар ва Ўзбекистон Республикасининг ЖПКдан келиб чиққан ҳолда қиёсий таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотнинг ҳар бир боби охирида ифодаланган хулосалар, шунингдек диссертациянинг якунида ўз аксини топган умумназарий хулосалар, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга қаратилган тавсиялар халқаро ҳуқуқ, халқаро жиноят ҳуқуқи, халқаро шартномалар ҳуқуқи, жиноят процесси фанларида мавжуд назарий қарашларни, соҳага оид халқаро ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва миллий қонунчилик нормаларини ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида илгари сурилган. Тадқиқотда фойдаланилган ахборот базасининг тўғри ва ишончилиги унда фақатгина расмий нашрларда чоп этилган статистик маълумотлар ва синовдан ўтган ҳамда чоп этилган монографик тадқиқот натижаларининг қўлланилганлиги билан белгиланади. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, жиноят-процессуал қонунчиликнинг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда халқаро ҳуқуқ, халқаро жиноят ҳуқуқи ва жиноят процессуал ҳуқуқи фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсияларнинг аҳамияти жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик самарадорлигини оширишда, қонун ижодкорлиги, юридик таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланилишда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

Ўзбекистон Республикаси ЖПК ва ЖИКга «Озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган, шунингдек, руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун фуқаролигига тегишли бўлган давлатга топширишни ва қабул қилиш» билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи қонун лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, 28.04.2017 й. 26-17-1544-17-сонли хати). Бу соҳага оид бўлган халқаро шартномаларда белгиланган Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали вужудга келган қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этади ҳамда жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини такомиллаштиришга имкон беради;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов Департаменти томонидан «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов Департаменти, 30.10.2017 й. 18/6361-сонли хати). Бу соҳасидаги ҳамкорликнинг самарали янги шакллари Ўзбекистон амалиётига жорий этиш орқали қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этади ҳамда жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини такомиллаштиришга имкон беради;

БМТнинг Халқаро ҳуқуқ комиссияси томонидан Женевада ўтказилган Халқаро ҳуқуқ семинарида қилинган маърузада муаллиф томонидан универсал юрисдикция принципнинг қўллаш доираси ҳамда «Тезкор-тергов гуруҳларини тузиш тўғрисида»ги БМТ Намунавий шартномасини қабул қилиш зарурати масаласида берилган таклиф ва хулосалар Халқаро ҳуқуқ комиссияси аъзолари томонидан маъқулланган ва кейинчалик Халқаро ҳуқуқ комиссияси фаолиятида фойдаланиши мумкинлиги билдирилган (21.07.2017 йилдаги Женева университетининг Халқаро алоқалар бўлими томонидан берилган хат). Мазкур натижа Халқаро ҳуқуқ комиссиясининг кейинги йиғилишларида муҳокама қилинадиган мавзулар қаторига киритилади, бу эса, халқаро ҳуқуқнинг жадал ривожланиши ва кодификацияси учун ёрдам беради;

жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорлик ва жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик предмети ҳамда қўлланилиш соҳалари, “жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизми” тушунчасининг муаллифлик таърифи ҳамда принципларнинг янги таснифи «Халқаро ҳуқуқ» дарслиги мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сон буйруғи билан дарслик сифатида нашр қилишга рухсат берилган. Рўйхат рақами 603-234). Бу янги билимлар бериш ва кўникмаларини шакллантиришда манба бўлиб хизмат қилган;

диссертациянинг миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг (Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси, 21.02.2017 й. 06/1-05/333вх-сонли хати) қонун ижодкорлиги йўлида фойдаланиши мумкинлиги маълум қилинган. Бу натижа жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик масалаларини тартибга солувчи норматив базани такомиллаштиришга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та илмий мақола, хорижий журналларда

4 та, республика илмий анжуманларида 7 та, халқаро илмий анжуманларда 3 та илмий тезислар нашр қилинган ҳамда 1 та дарслик ҳаммуаллифликда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 260 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган ҳамда тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг «**Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик муносабатларининг умумий тавсифи**» деб номланган биринчи бобида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмининг ҳуқуқий табиати, шаклланиши ва ривожланиш тарихи, уни ташкил этувчи институтлар ва уларнинг хусусиятлари ҳамда мазкур муносабатни тартибга солувчи ҳуқуқий асослар ва принциплар батафсил таҳлил қилинган ҳамда назарий хулосалар ишлаб чиқилган.

Диссертант жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмининг ҳуқуқий табиатини белгилаб беришда унинг тарихий ривожланиши, моҳияти ва тушунчаси, ташкил этувчи институтлари ва уларнинг хусусиятларини аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайди.

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик муносабатларида давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг асосий мақсади, содир этилган жиноят учун халқаро ҳамкорликнинг турли шакл ва йўналишлари орқали жавобгарлик муқаррарлиги ҳамда одил судловни таъминлашдан иборатлиги ҳамда ушбу муносабатлар халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги, халқаро ва миллий ҳуқуқ нормалари билан мустаҳкамланган ҳуқуқий механизмлар орқали амалга ошириладиган алоқа шакли эканлиги таъкидланган.

Таҳлиллар натижасида, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизми тушунчаси борасида ҳозирги кунга қадар яқдил фикр шаклланимаганлиги, уни ташкил қилувчи институтлар доираси аниқ белгиланмаганлиги, шу билан бир қаторда, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини амалга оширишда келиб чиқаётган турли хил муаммолар мавжудлиги аниқланди. Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизми тўғрисида назарий изланишлар олиб бориш зарурияти

эса, жиноятчиликка қарши кураш борасидаги халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш, унинг доирасини кенгайтириш, муаммога комплекс ёндашиш зарурияти билан изоҳланди.

Диссертант жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг муҳим ҳуқуқий механизмлари ҳисобланган экстрадиция, ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўташ учун айбдорни у фуқароси бўлган давлатга топшириш масалаларини бир-биридан фарқлаш ҳамда мазмун-моҳиятининг таҳлил этиш муҳим ҳисобланади, деган фикрни илгари суради. Жумладан, алоҳида юридик маъноларга эга бўлган «шахсни халқаро суд органларига топшириш», «ушлаб бериш тўғрисида қарор чиқарилган шахсни фактик топшириш», «шахсни фуқаролигида бўлган давлатга жазо ўташи учун юбориш (топшириш)» каби тушунчалар билан экстрадиция тушунчасини аралаштириб юборилганлиги туфайли терминологик тушунмовчиликлар келиб чиқарилмоқда. Зеро, биринчидан, мазкур тушунчалар алоҳида алоҳида процессуал ҳаракатларни талаб этади ҳамда мазкур ҳаракатларни амалга ошириш мақсадлари турлича бўлади; иккинчидан, аксарият муаллифлар экстрадицияни бир давлат юрисдикциясидан иккинчи давлат юрисдикциясига фактик топшириш орқали амалга ошириладиган бир марталик жараён деб баҳолайди. Гарчи, шахс фактик топширилгандан кейин ҳам экстрадицион муносабатлар тўхтатилмайди; учинчидан, турли мамлакатларда экстрадиция тушунчасини таърифлашда ушлаб бериш, тутиб бериш, топшириш, етказиб бериш каби атамалардан фойдаланилади. Ваҳоланки, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда экстрадиция тушунчасининг унификациясига (бирхиллашув) эришиш бу борадаги турли ноаниқлик ва чалкашликларга барҳам бериб, уни қўллаш самарадорлигига ижобий таъсир этади. Шу нуқтаи назардан диссертантнинг фикрича, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг йўналишларидан бири бўлган ушлаб бериш институтининг мазмун-моҳиятини очиқ берадиган энг маъқул ҳамда унинг мазмунига мутаносиб тушунча сифатида «экстрадиция» атамасидан фойдаланиш ўринли.

Ишда, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик муносабатлари - экстрадиция, ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва маҳкумни топшириш институтларидан иборат эканлиги асослантилди, ҳар бирига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди ҳамда уларнинг ишлаш механизми кенг ёритиб берилди.

Тадқиқотчи жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини қуйидаги хусусиятлар билан тавсифлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди: 1) *процессуал ҳаракатларнинг бажарилиши кўра*: экстрадиция, ўзаро ҳуқуқий ёрдам, озодликдан маҳрум қилинган шахсларни топшириш, руҳий касалликка чалинган шахсларни мажбурий тиббий даволаниши учун фуқароси бўлган давлатга топшириш ва бошқалар. Бу ерда қайд этилган ҳар бир институт алоҳида процессуал ҳаракатлар талаб қилгани, алоҳида ҳуқуқ нормалари билан тартибга солингани, субъектлар ўртасида ваколатлар доираси ҳам алоҳида белгилангани ҳамда амалга ошириш воситалари ҳам турли хил бўлгани учун жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини ташкил этувчи асосий йўналишлари сифатида кўриш мумкин;

2) *жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини амалга ошириш доирасига кўра*: универсал, регионал ва миллий. Мазкур механизмни амалга оширишда асосан соҳага оид қабул қилинадиган ҳужжатларга таянган ҳолда белгилаш мумкин; 3) *жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини амалга ошириш кўламига кўра*: кўптомонлама ва икки томонлама. Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини амалга оширувчи субъектлар доирасига кўра давлатлар, халқаро ташкилотлар, жумладан халқаро судлар, жиноятчиликка қарши курашувчи ташкилотлар ва бошқаларга ажратиш мумкин.

Тадқиқот доирасида олиб борилган жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик моҳияти ва уни ташкил этувчи институтларининг ўзига хос хусусиятларининг таҳлили асосида, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмига қуйидагича муаллифлик таърифи берилди: «*Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизми - ўзида экстрадиция, ўзаро ҳуқуқий ёрдам, озодликдан маҳрум қилинган шахсларни топшириш, руҳий касалликка чалинган шахсларни мажбурий тиббий даволаниши учун фуқароси бўлган давлатга топшириш институтларни мужассамлаштирган халқаро ва миллий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ҳамда мазкур муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ваколатлари доирасини ва амал ошириш тартибини белгилайдиган яхлит тизимдир*».

Диссертантининг таъкидлашича, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик соҳасидаги давлатларнинг ўзаро муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш чуқур тарихий илдизларига эга бўлиб, давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиш даври билан ўзаро чамбарчарс боғлиқлигини эътироф этиш зарур. Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг бошланиши миллий ҳуқуқ даражасида давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ғоясининг вужудга келиши билан боғлиқ.

Тарихий-таҳлилий маълумотлар ва турли хил олимларнинг фикрларига кўра, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик қилишнинг тарихий ривожланиши қочоқ жиноятчиларни уларни сўраётган давлатга ушлаб бериш каби энг оддий шаклидан кенг ҳуқуқий негизларига эга бўлган ҳамда халқаро ҳамкорликнинг амалий шаклига айланган мураккаб ва мукаммал шаклига ўтишигача бўлган узоқ ривожланиш даврини бошидан кечирган.

Диссертациянинг мазкур бобида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини тартибга солувчи принциплар атрофлича таҳлил қилинган. Диссертантнинг фикрича, юридик фанларда жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик принципларининг ягона тизими ишлаб чиқилмаган, бунинг сабаби бир томондан тадқиқот предметининг мураккаб характери билан боғлиқ бўлса, иккинчи томонидан ушбу муаммони тартибга солувчи ягона норматив ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги билан белгиланади деб таъкидлайди.

Диссертант жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик масалалари соҳалараро хусусият (халқаро, жиноят-процессуал, жиноят ҳуқуқи ва ҳуқуқнинг бошқа соҳалари нормалари билан тартибга солинади) касб этишини ҳисобга олган ҳолда, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик

принципларини мазмунини ёритиб беришда ҳамда унинг алоҳида хусусиятларини очиб беришда, умумий асосларга кўра, давлатлар ўртасидаги умумий ҳамкорликни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ принциплари; халқаро жиноят ҳуқуқининг махсус принциплари; давлат миллий қонунчилиги принциплари (жиноят ҳуқуқи, жиноят процессуал ҳуқуқ, конституциявий ҳуқуқ ва бошқалар); халқаро ҳамкорлик тўғрисида алоҳида давлатлар билан тузилган халқаро шартномаларда белгиланган принциплар (экстрадиция ёки жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш принциплари, жиноятчиликка қарши курашиш принциплари) каби турларга ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб таъкидлайди.

Тадқиқот доирасида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик принципларини таснифлашнинг учта янги мезони ишлаб чиқилди. Биринчиси, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишда юрисдикцияни белгилаб берувчи принциплар (универсаллик, жавобгарликнинг муқаррарлиги, фуқаролик). Умуман жиноят қонунчилигида ҳудудийлик принципига асосланган ҳолда, жиноят қаерда содир этилган бўлса, шу давлат юрисдикцияси асосида жиноят иши кўзғатилади. Лекин, мазкур принциплар ҳар доим ҳам белгиланган тартибда амал қилмайди. Давлатларнинг қайси ҳуқуқ тизими оиласига (англо-саксон, роман-герман, мусулмон) мансублиги, халқаро шартномаларда белгиланган шарт ва мажбуриятлар ва бошқа унсурларига қараб бошқа қоидалар вужудга келади. Иккинчиси, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик масалаларига тааллуқли процессуал ҳаракатларни тартибга солувчи принциплар (икки ёқлама судловлилик (*double criminality*), махсуслашув принципи (*specialty*), ўзаролик, бир жинояти учун икки марта жазоланмаслик (*non bis in idem*)). Бу гуруҳга кирувчи принциплар асосан жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизминини амалга ошириш жараёнида юзага келади. Давлатлар ўртасидаги соҳага оид муносабатларни аниқлаштиради, кенгайтиради ва белгиланган ҳаракатларни бажарилишига ёрдам беради. Учинчиси эса, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар ёки рад этиш асослари (талабнома юборган давлат ҳудудида жиноят содир этилган бўлишлилик, жиноий таъқиб этиш муддати ўтганлиги, сиёсий жинояти учун жавобгарликдан озод этилиши, инсонпарварлик нуқтаи назаридан ушлаб беришни рад этиш) кабилар. Бу ерда аҳамият берилиши лозим бўлган асосий масала сифатида, диссертант жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишни рад этиш ҳолатларининг юзага келиши мумкинлиги, унинг асосларини таҳлил қилишда юқоридаги принциплар билан чамбарчас боғлиқлиги ҳамда бир бирини тўлдириб боришилиги билан изоҳланади деб таъкидлайди.

Диссертация ишида, халқаро ҳуқуқ ва халқаро жиноят ҳуқуқи соҳасини ривожлантириш мақсадида, универсал юрисдикция принципининг мазмун моҳияти чуқур ўрганилди, бир қанча таклиф ва хулосалар қилинди. Жумладан, универсал юрисдикция соҳасидаги бахслардан келиб чиқиб ва принципнинг нотўғри талқин қилинишини олдини олиш мақсадида бугунги кунда халқаро ҳуқуқни ривожлантириш ва кодификация ишларини олиб

бораётган Халқаро ҳуқуқ комиссия томонидан асосий тушунчалар ишлаб чиқилиши лозимлиги таъкидланди. Уларга қуйидагилар киради: (1) универсал юрисдикция тушунчаси ва унинг турларининг таснифлаш; (2) халқаро одат ҳуқуқига кўра универсал юрисдикцияга кирувчи жиноятлар рўйхатини аниқлаштириш; (3) давлат мандабдор шахсларининг иммунитетлари масаласи; (4) универсал юрисдикция ва халқаро ҳуқуққа кўра экстрадиция ёки жиноий қидирув масаласи ўртасидаги муносабатлар; (5) универсал юрисдикция принципини сиёсийлаштиришга қарши ҳимоялаш жараёнини ишлаб чиқиш; (6) универсал юрисдикция амал қилувчи давлатлар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш механизми.

Диссертант жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмининг халқаро-ҳуқуқий асосларини таҳлил этишни осонлаштириш ҳамда ушбу масалани атрофлича тадқиқ этиш мақсадида халқаро шартномалар ҳуқуқининг умумий назариясида келтирилган халқаро шартномаларнинг таснифланиши қоидасидан келиб чиққан ҳолда соҳага оид *ҳужжатларни олти гуруҳга (универсал шартномалар; минтақавий шартномалар; халқаро ташкилотларнинг намунавий халқаро ҳужжатлари; давлатлараро икки томонлама шартномалар; идоралараро икки ва кўп томонлама шартномалар; халқаро судларнинг таъсис ҳужжатлари)* бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлигини қайд этади.

Тадқиқот доирасида олиб борилган жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий асосларининг тарихий, юридик ва бошқа жиҳатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида *жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини тартибга солувчи шартномавий-ҳуқуқий асослари қуйидаги турларга таснифланган:* 1) экстрадиция, ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазо ўташни давом эттириш учун топшириш масалаларига тааллуқли нормаларни назарда тутувчи халқаро характердаги жиноятларга қарши кураш бўйича минтақавий ва глобал конвенция ҳамда декларациялар; 2) махсус нормаларни кўзда тутувчи соҳага оид халқаро ташкилотларнинг кўп томонлама шартномалари; 3) соҳага оид икки ва кўп томонлама ҳукуматлараро ва қўмиталараро келишувлар.

Диссертантнинг таъкидлашича, кўпчилик давлатларнинг юрисдикциясида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш, кенгроқ қўллаш масалалари юзасидан қонунчилик, ҳуқуқий ва маъмурий ташаббуслар амалга оширилмоқда. Мазкур ҳаракатларнинг асосий таркибий қисми сифатида миллий даражада ҳуқуқий асосларини белгилаш, халқаро даражада эса, кенг механизми қўллаш мақсадида императив характерга эга бўлган мажбуриятларни ўз ичига олган халқаро шартномаларни қабул қилиш лозим деб ҳисоблайди.

Диссертациянинг **«Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик йўналишлари ва уларнинг ҳуқуқий тартиби»** деб номланган иккинчи бобида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик шакллари ва йўналишларини соҳага оид шартномаларнинг объектига, хусусиятига (ижтимоий хавфлилик даражаси) ҳамда процессуал ҳаракатларига қараб

белгиланиши масалалари атрофлича ўрганиб чиқилган.

Диссертацияда таъкидланишича, Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид қонун ҳужжатлари, хусусан, жиноят ва жиноят процессал қонунчилиги, хусусан, халқаро шартномаларда назарда тутилган ўзаро келишувларга мувофиқ ҳамкорлик иштирокчиси бўлган давлатларнинг соҳага оид қонунчилиги ташкил этади. Шулардан келиб чиққан ҳолда, ҳозирда Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг уч хил (шартномавий-ҳуқуқий, шартномасиз, институционал) шакл асосида олиб борилишини кузатиш мумкин.

Диссертантнинг фикрича, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик йўналишларини амалга оширишдан энг асосий мақсад жиноят содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш. Шундай экан, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишда асосий йўналишлар сифатида марказий ўринни эгаллаган жиноят содир этган шахсларни экстрадиция қилиш, ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўташ учун шунингдек, руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун фуқаролигига тегишли бўлган давлатга топшириш ва қабул қилиш институтларини алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Диссертантнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси ЖПКда экстрадицияга оид айрим процессуал қоидалар ўз аксини топган. Бироқ, ушбу қоидалар мазкур институтни қўллаш жараёнида юзага келадиган барча ҳолатларни қамраб олишга қодир эмас. Зеро, миллий қонунчиликда бошқа давлат билан шартнома тузилмаган ҳолда ҳам ушбу икки давлат ўртасида ҳуқуқий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун асос бўлувчи ўзаролик принципининг ишлаш механизми, амалдаги қонунчиликда ўз аксини топмаган жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик қилинмайдиган ҳолатлар, экстрадиция қилинаётган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширувчи давлат органларининг уларнинг ваколатлари, халқаро жиноят содир қилган ҳолларда универсал юрисдикция принципини қўлланилиши, содир этилган жиноят юзасидан ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда қўлланиладиган аниқ шакллар ҳамда хорижий давлат томонидан чиқарилган ҳукмни тан олиш масалаларини аниқ ва батафсил тартибга солиш лозим. Чунки, жиноят содир этган шахсни экстрадициясига боғлиқ бўлган барча процессуал ҳаракатларни тартибга солувчи қонун қоидалар ва шундан келиб чиқадиган процессуал ҳужжатлар аниқ, тушунарли ва рад этилиши учун асос бўлмаслиги лозим. Сўровномани қабул қилган давлат миллий қонунчиликни ўрганишида тушунмовчиликка ёки ноаниқликларга учрамаслиги давлатлараро муносабатларни янада самарали олиб боришига сабаб бўлади.

Тадқиқотда экстрадиция соҳасида халқаро шартномавий-ҳуқуқий амалиётни бирхиллаштириш (унификациялаш) мақсадида экстрадиция тўғрисида шартнома имзолаётган давлатлар БМТнинг «Ушлаб бериш

тўғрисидаги намунавий шартномаси»дан келиб чиқишлари тавсия этилади. Зеро, ушбу Намунавий шартнома бу соҳада давлатлар учун замин бўлиб хизмат қилади: давлатларни ушлаб бериш масалалари юзасидан янада кенг камровли ҳамкорликни, яъни музокаралар олиб бориш, икки ва кўп томонлама шартномалар имзолаш, шунингдек бошқача келишувларга эришиш бўйича фаолиятларини таъминлайди. Мазкур Намунавий шартнома қабул қилинганига кўп йиллар ўтган бўлса ҳам, ушлаб бериш соҳасидаги янги тенденциялар (соддалаштирилган экстрадиция, сўровномалар бўйича қарор, вақтинча ушлаб туриш, учинчи давлатга ушлаб бериш, ўз фуқаросига нисбатан амалга оширадиган ҳаракатлар) ҳамда ушбу соҳада тўпланган тажрибани инобатга олган ҳолда трансмиллий жинойтчиликка нисбатан одил судловни таъминлаш борасидаги сўнгги ўзгаришларни ифодалайди.

Диссертант томонидан жинойт ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, асосан давлатларнинг ваколатли органлари томонидан тегишли бўлган жинойт юзасидан далилий аҳамиятга эга маълумотларни олиш учун ёрдам сўрашидир деб таъкидланади. Бу жуда муҳим ҳисобланиб, жинойт иши юзасидан тергов олиб бораётган ҳар бир давлат ходими ўзларининг иш вазибаларини амалга ошириш учун далилларга эҳтиёж сезади. Шундай экан, диссертант «жинойт ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам» тушунчасига, давлат томонидан жинойт ишларида фойдаланиши учун далил йиғишда ёрдам сўраши ва бундай мурожаатни қаноатлантириш ёки қаноатлантирмаслик жараёни, ҳамда улар ўртасида самарали равишда ва тўғридан тўғри, кенг кўламдаги ёрдамга шароит яратиш» деб таъриф бериш мумкин деб ҳисоблайди.

Тадқиқот ишида, жинойт ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш шакллари махсус жадвалда уларнинг 20 ортиқ шакллари кўрсатилган бўлиб, БМТнинг Намунавий шартномалари, БМТнинг махсус соҳаларга оид универсал конвенциялари, МДХ доирасида Минск ва Кишинев конвенциялари, икки томонлама шартномалар ва Ўзбекистон Республикасининг ЖПКдан келиб чиққан ҳолда қиёсий таҳлил қилинган. Мазкур таҳлил натижасида уларнинг айримлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мустаҳкамланмаганлиги таъкидланган. Зеро, жинойт ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасидаги талабномаларда уларнинг махсус шакли ёки белгиланган шартлар асосида ўтказилиши лозимлиги тўғрисида нормалар кўрсатилиши лозим. Бундай махсус шартлар талабномада кўрсатилиши ва талабнома юборилган давлатнинг қонунчилигига зид бўлмаслиги лозим. Шундай экан, диссертантнинг фикрича, ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги талабномани бажаришда унинг шаклларида бири бўлган тезкор-тергов гуруҳларини тузиш ва видеоконференцалоқадан фойдаланишни миллий қонунчиликка татбиқ этиш лозим деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари тадқиқот ишида жинойт ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг янги шакллари бири сифатида «тезкор-тергов гуруҳлар»нинг фаолиятига, афзалликларига алоҳида тўхталиб ўтилган бўлиб, бу борада халқаро тажриба батафсил ўрганилган. Таҳлиллар натижасида мазкур гуруҳларнинг хусусиятидан, яъни содир этилган жинойтлар

трансчегаравий характерга эга бўлиши, далилларни тўплашда ёки топишда тезкор ахборот алмашилиши ва бунга давлатларнинг ваколатли органлари биргаликда ҳақарат қилиши зарурияти мавжудлигидан ҳамда мазкур тадбирлар давлатлараро махсус келишувлар билан расмийлаштирилишидан келиб чиққан ҳолда БМТ томонидан «Тезкор-тергов гуруҳларини тузиш тўғрисида»ги Намунавий шартнома қабул қилиниши лозим деб таъкидлайди. Бу каби намунавий шартноманинг қабул қилиниши давлатларнинг ваколатли органлари (судьялар, прокурорлар ва терговчилар) томонидан жиноий суриштирув ишини олиб боришда кўрсатма шаклида ўзаро ҳамкорлик шартномасини тузиши ҳамда халқаро одат ҳуқуқ нормалари асосида ишлаб чиқилган қоидалар орқали давлатларнинг суверенитети ва хавфсизлигига таҳдидларни олдини олишида ҳам аҳамиятлидир.

Тадқиқотчи, Ўзбекистон Республикасининг МДХ давлатлари ўртасида 1998 йилги «Озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахсларни жазо ўташни давом эттириш мақсадида топшириш тўғрисида»ги конвенциясига қўшилиши, озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахсларни шунингдек, руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун фуқаролигига тегишли бўлган давлатга топшириш ва қабул қилиш масаласини тартибга солувчи миллий қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ эканлигини асослаб беради.

Диссертациянинг учинчи боби **«Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш бўйича минтақавий ташкилотлар ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибаси»** деб номланган бўлиб, унга кўра хорижий давлатлар тажрибасини ўрганишда асосан давлатларнинг қайси ҳуқуқ тизимига эга эканлиги, тартибга солувчи ҳуқуқий асослари ҳамда ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда Европа давлатлари, АҚШ ва Канада, Шарқий Осиё ва Австралия, Араб ва МДХ давлатлари доирасида таҳлил қилинди. Диссертант, ушбу давлатларни бирлаштириб турган минтақавий ташкилотлар фаолиятини ўрганиш орқали, уларнинг, Ўзбекистон Республикасида мавжуд қонунлардаги бўшлиқларни тўлдиришда ҳамда самарасини берган механизмни Ўзбекистон миллий қонунчилигига имплементация қилишда муҳим роль ўйнашини таъкидлайди.

Диссертант Европа мамлакатларининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда одил судловда ҳамкорлик соҳасидаги миллий чегараларни олиб ташлаш, «эркин ҳаракат қилиш»ни таъминлаш ҳамда суд қарорларининг умумий майдонини яратиш мақсадида Европа ордери вужудга келган деган хулосани илгари суради.

Бундан ташқари, соддалаштирилган экстрадиция жараёнининг вужудга келишида ҳам жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмнинг такомиллаштирилганлигини кўриш мумкинлигини таъкидлайди. Эътиборли томони шундаки, «Экстрадиция тўғрисида»ги Европа конвенциянинг III қўшимча протоколида белгиланган тартиб асосида агар жиноят содир этган шахс экстрадиция қилинишига розилик билдирсагина бу жараён амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган. Бу эса, экстрадиция жараёнида

вужудга келадиган процессуал муддатларнинг қисқариши ва бу ўз навбатида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширувчи давлатларнинг ваколатли органлари фаолиятининг сезиларли даражада тезлашишига олиб келиши, жиноят иши юзасидан талаб қилинадиган тегишли хужжатлар сонининг қисқариши оқибатида бюрократик жараёнлардан воз кечилиши ҳамда давлатлараро ҳамкорлигидаги ўзаро ишончни орттирилиши (шахсни қийноқ ёки ўлим жазоси қўлланилмаслиги, инсон ҳуқуқлари бузилмаслиги ҳақидаги кафолат бажарилса) назарда тутилади.

Диссертант шуни алоҳида таъкидлаб ўтадики, Ўзбекистон Республикаси жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик борасида Европа давлатлари билан деярли шартномалари мавжуд эмаслигига қарамадан ўзаролик принципи асосида ҳамкорликни амалга оширади. Лекин, шартномасиз шаклда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш оқибатида давлатлар ўртасида турли хил тушунмовчиликларга, рад этиш учун асосларнинг ортишига ва натижада давлатлар ўртасидаги муносабатлар салбий томонга ўзгаришига олиб келиши мумкин. Чунки, ўзаролик принципи асосида амалга оширилган халқаро ҳамкорликда сўралаётган давлат қонунчилиги қўлланилиши халқаро одатга айланган. Шунинг учун ҳам бу каби муаммоларнинг энг мақбул ечими сифатида Ўзбекистон Республикасининг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширувчи Европа конвенцияларига қўшилиши орқали кўриш мумкин. Зеро, мазкур Европа конвенциялари минтақавий характерга эга бўлса ҳам, унга қўшилиш имконияти аъзо давлатларнинг барчасининг розилиги мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади. Натижада, Ўзбекистон Республикаси Европа мамлакатлари билан жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишда минтақавий механизмни қўллайди.

Тадқиқот ишида Америка қитъаси мамлакатларида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш тажрибаси ўрганилди. Унинг натижасида қуйидагилар: АҚШ ҳуқуқий тизимига биноан жиноятчини ушлаб бериш фақатгина қонун ёки шартнома асосида амалга оширилиши; жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида АҚШда ўзаролик принципи амал қилиши; «полициядан полицияга» каби механизми жиноятчиликка қарши кураш борасида ўзаро манфаатдорлик, ҳурмат ва дўстлик асосида ривожланганлиги; видеоконференцалоқадан фойдаланган ҳолда айбланувчи ёки гувоҳнинг кўрсатмаларини олишга қаратилган суд амалиёти (прецедент) қўлланилиши, миллий қонунчилик эса буни рад этмаслиги; Канада қонунчилиги таҳлили асосида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг муҳим принципларидан бири – ўзаролик принципи амал қилмаслигини кўриш мумкинлиги аниқланди.

Тадқиқотчи томонидан, Араб мамлакатларининг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш тажрибасини ўрганиши натижасида Ар-Риёд конвенцияси Конвенцияга қўшилмаган араб давлатлари Араб давлатлари лигаси доирасида қабул қилинган экстрадиция ҳақидаги ҳар қандай конвенция қоидаларига риоя этиши лозимлиги; қўшилаётган давлатлар, 1952 йилда Араб давлатлари лигаси доирасида қабул қилинган ва

суд қарорлари ҳамда экстрадицияни ижро этилишини тартибга соладиган барча келишувлар ўрнини босадиган Ар-Риёд конвенцияси қоидаларини қўллаши шартлиги ҳам аниқ белгиланганлиги; ўзаролик принципи асосидаги қоидага таянган ҳолда ҳамкорлик қилиш борасида маълум чекловлар кўзда тутилганлиги аниқланди.

Таҳлил давомида тадқиқотчи томонидан, Шарқий Осиё ва Австралия давлатларининг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш тажрибасини ўрганиш натижасида қуйидагилар: Шарқий Осиё ва Австралия давлатлари жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишнинг энг самарали шакли сифатида халқаро шартномалар асосида олиб боришни афзал кўрадилар; мазкур ҳудуддаги давлатларнинг аксарияти халқаро шартномаларни миллий қонунчилигига имплементация қилиш жараёнларини яқунланган бўлиб, махсус қонунлар ва жиноят-процессуал қонунчиликлари асосида тартибга солиб келаётганлиги аниқланди.

Диссертант МДХ мамлакатларининг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишувчи қонунчилигини ўрганиши натижасида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишда унинг махсус йўналишлари тўғрисидаги махсус қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш эҳтиёжи МДХ давлатларида пайдо бўлганлиги; жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик масалалари ўзаро қарама-қаршиликлар ва қайтарилишлар мавжуд эканлиги, экстрадиция тартиби ва механизмлари, жумладан, соддалаштирилган экстрадиция тартиби ёритилмаган кўп томонлама ва икки томонлама шартномалар, миллий соҳалараро қонунлар ҳамда жиноят процессуал кодекслар билан тартибга солиниши аниқланди.

Диссертациянинг **«Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик муносабатларини такомиллаштириш»** деб номланган тўртинчи бобида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик муносабатларини тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ нормаларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси миллий ҳуқуқ тизими, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилган.

Диссертацияда илгари сурилган фикрга кўра, Ўзбекистон Республикасининг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлигига оид миллий қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш ҳам бу борадаги ҳамкорликни таъминлаш борасида халқаро кўп томонлама ва икки томонлама шартномаларнинг ўрни белгиланди, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари таҳлил қилиниб, миллий қонунчиликка асосланган ҳолда ҳамкорликни амалга ошириш энг мақбул йўлларида бири эканлиги белгиланди.

Диссертацияда қайд этилишича, БМТ намунавий шартномаларини ишлаб чиқишда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, қийноқ ёки бошқа шафқатсиз муомалаларни олдини олиш ва асосийси халқаро одат ҳуқуқ нормалари ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинган. Шу боис, БМТнинг Намунавий шартномаларини Ўзбекистон Республикасида жинойий одил судлов соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширишга тааллуқли бўлган икки томонлама шартномаларни қайта кўриб чиқиш ва келажакда

тузиладиган халқаро шартномалар учун асос сифатида олиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, халқаро шартномаларнинг амалиётда ўзини оқлаган нормаларини миллий қонунчиликда ҳам жорий этиш ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларни миллий қонунчиликка татбиқ этишда бирхилликка эришиш орқали юзага келаётган турли хил муаммоларни (рад этиш асослари, далилларни тан олиниши ва бошқалар) бартараф этиши ва халқаро ҳамжамиятнинг жиноят ишлари бўйича ҳамкорлик самарадорлигини оширишида кўриш мумкин.

Муаллифнинг фикрича, 1993 йилдаги Минск конвенциясининг қабул қилинганлигига 24 йилдан ошганлиги унинг айрим нормалари эскириши ҳамда бугунги кун талабларига тўла-тўқис жавоб бера олмайдиган ҳолатга тушишига сабаб бўлмоқда. Давлатлараро иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муносабатларнинг ўзгарди, жиноятчилик борган сайин янгидан-янги қирралар ва жиҳатлар касб этиб бормоқда. Айни дамда, 1993 йилги Минск конвенциясини амалда қўллаш натижасида тўпланган тажриба асосида ишлаб чиқилган 2002 йилги Кишинёв конвенцияси нормалари, ушбу ҳолатларни инобатга олган ҳолда тузилган бўлиб, МДХ мамлакатлари ўртасида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни самарали ҳал қила олади. Кишинёв конвенцияси ўзининг бугунги кундаги янги ва долзарб масалаларни қамраб олиши, тушунчаларнинг ва муддатларнинг аниқлиги, мазмунан кенглиги ҳамда инсон ҳуқуқлари талабларини мустаҳкамловчи қўшимча қафолатларни кўзда тутиши билан тавсифланади. Чунки, мазкур шартномада давлатларнинг ўзаро фаолиятига боғлиқ бўлган янги шакл ва йўналишлар – ушлаб бериш тўғрисидаги сўров келиб тушгунига қараб қидирувни амалга ошириш, эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олиш, хорижий давлат ҳукми тан олиш ва ижро этиш ҳамда тезкор-тергов гуруҳларини тузиш ва видеоалоқадан фойдаланиш масалалари назарда тутилади. Кишинёв конвенциясини ратификация қилиш борасида барча имкониятлар мавжуд экан ҳамда ушбу конвенция Минск конвенциясига нисбатан бир қанча афзалликлари билан ажралиб туришини ҳисобга олиб, тадқиқотчи томонидан, Кишинёв конвенциясини ратификация қилиш ҳақидаги таклифи асослантирилди.

Диссертантнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикасининг жиноят процессуал ҳамда жиноят ижроия қонунчилигида озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган, шунингдек, руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун фуқаролигига тегишли бўлган давлатга топшириш ёки қабул қилиш асослари, шартлари, суд иш юритувида иштирокчиларининг процессуал мақоми, процессуал қарор ва бошқа масалалар аниқ ва тўлиқ ўз аксини топмаган. Ўзбекистон Республикасининг МДХ иштирокчиси эканлиги, шунингдек, халқаро ҳуқуқ нормаларини тан олиш ва имплементация қилиш мақсадга мувофиқ эканлигини ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси ЖПКга МДХнинг 1998 йил 6 мартда тузилган, Ўзбекистон Республикасида кучга кирмаган «Озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахсларни жазо ўташни давом эттириш мақсадида топшириш тўғрисида»ги

конвенциясини (ратификация қилгандан сўнг) ҳамда 1997 йил 28 мартда қабул қилинган, Ўзбекистон Республикасида 1997 йил 26 июндан кучга кирган «Рухий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисида»ги конвенцияси нормаларини имплементация қилиш кераклиги ҳақида фикр илгари сурилади.

Бундан ташқари, МДХ давлатлари ҳудудидаги ваколатли органларнинг трансмиллий жиноятларни очиш ва тергов қилишда тегишли процессуал ҳаракатларни амалга ошириш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ва лозим бўлган далилларни тақдим қилишда ўзаро ҳамкорлик қилиш мақсадида 2015 йил 16 октябрда қабул қилинган «МДХ аъзо давлатлари ҳудудида ўзаро тезкор-тергов гуруҳларини тузиш тартиби ва фаолияти тўғрисида»ги битимни ратификация қилиш зарурати асослантирилди.

Шу билан бирга, диссертация ишида давлатлар ўртасида икки томонлама шартномалар орқали жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий механизминини аниқ ва мақбул йўллари белгилаш, алоҳида тартиб қоидалар ўрнатиш, ёки аниқлик талаб этилганда бу каби механизмни татбиқ этиш орқали икки томонлама шартномалар имзоланади. Шундай экан, статистик маълумотлар, миграцион сиёсат ва давлатларнинг ўзаро стратегик ҳамкорлигинини ҳисобга олган ҳолда Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаси томонидан юборилаётган мурожаатлар сонининг ўсиши тенденцияси икки томонлама ўзаро ҳамкорлик шартномасини имзолаш зарурати вужудга келганлигидан далолат беради. Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаси билан жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни 1993 йилги Минск конвенцияси асосида амалга оширади деб таъкидланган. Диссертантнинг фикрича, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик масаласини янада такомиллаштириш, шу соҳага оид ҳамкорлик шаклларни кенгайтириш, давом эттириш ва тегишли натижаларга эришиш мақсадида мазкур давлатлар билан алоҳида икки томонлама шартномаларни тузиш мақсадга мувофиқдир.

Муаллифнинг таъкидлашича, экстрадицияни амалга ошириш устидан суд назоратини кучайтириш лозим. Экстрадиция масалалари бўйича айнан суд қарори ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши керак. Бу ҳам ўз навбатида ушбу соҳада ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштиришга имкон яратади. Экстрадиция жараёнида суд ролининг кучайтирилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг муносиб муҳофаза этилишини таъминлайди. Бугунги кунда судлар фақатгина ушлаб бериш тўғрисидаги қарорнинг қонунийлиги ва асослигини текшириш ваколатигагина эга бўлиб, бу уларни суд муҳокамаси жараёнида шахсининг айбдорлиги масаласини муҳокама қилишини чеклайди. Экстрадицияни амалга ошириш жараёнида суд назоратини таъсис этиш экстрадиция қилинаётган шахс ҳуқуқларининг қўшимча кафолати бўлиб хизмат қилар эди. Тадқиқотчи назарида, суднинг экстрадиция тўғрисидаги иш бўйича тугал қарор чиқариш ҳамда бундай қарорнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун мажбурий бўлиши тўғрисидаги ҳолатни миллий қонунчилик нормаларига сингдириш зарур;

Диссертацияда таъкидланишича, миллий қонунчиликда жиноий ишлари

бўйича халқаро ҳамкорлик доирасида ҳуқуқий ёрдам масалаларига оид қоидаларнинг ўрнатилиш заруратини қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин: 1) ҳуқуқий ёрдам институти предмети, объекти ва ҳажми жиҳатдан экстрадиция институтидан тубдан фарқ қилади. Экстрадиция институтида шартномавий муносабат объекти жиноят содир этишга гумонланган, айбланган ёки судланган шахс ҳисобланса, ҳуқуқий ёрдамда шартномавий муносабат объектини ҳажми анча кенг бўлган процессуал ҳаракатлар ташкил этади; 2) ҳуқуқий ёрдам сўралаётган давлатнинг сўровда кўрсатилган ҳуқуқий чораларни бажариш имконияти, яъни, сўралаётган давлат қонунчилигида ушбу турдаги ҳуқуқий ёрдамни бажаришга имконият бермайдиган ёки ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги сўровни рад этиш ҳолатлари белгиланганлиги жуда муҳим ҳисобланади. Чунки, давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигида ҳуқуқий ёрдамни рад этиш асосларининг баён этилиши давлат, жамият ва шахснинг ҳаётий муҳим миллий манфаатларига дахл қилиши ёки зиён етказиш мумкин бўлган ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги, шунингдек, миллий қонунчиликда белгиланганмаган ҳуқуқий ёрдам чораларини қўллаш тўғрисидаги сўровларни асосли рад этиш имконини беради. Бу эса ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш муддатларининг асоссиз равишда чўзилиб кетишининг ёки бошқа ҳар хил важлар билан ҳуқуқий ёрдамни рад қилиш ҳолатларининг олдини олади.

Диссертантнинг фикрича, хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлилидан, мазкур мамлакатларнинг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик масалаларидаги ижобий тажрибасидан ҳамда жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликка оид ҳуқуқий муносабатларининг норматив-ҳуқуқий тартибга солинишига эҳтиёж мавжудлигидан келиб чиқиб, мамкалатимизда жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликка оид бўлган моддий нормаларини ўзига акс эттирувчи «Жиноий ишлар бўйича халқаро ҳамкорлик тўғрисида»ги махсус қонун ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига, Жиноят-ижроия кодексига ва амалдаги тегишли қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур.

Диссертант томонидан, миллий қонунчиликда тартибга солилмаган жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг шаклларида бири ҳисобланган видеоконференцалоқадан фойдаланиш механизмини аниқ белгилаб олиш, шунингдек, жиноят ишини очишда аудио ва видеоёзувларни далил сифатида фойдаланишни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига «Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишда видеоконференцалоқадан фойдаланишнинг умумий қоидалари» номли 87¹-моддани киритилиши таклиф этилди. Мазкур моддаларда хорижий давлат томонидан келиб тушган сўровномани ижросини амалга оширишда, хусусан тергов ҳаракатларини амалга оширишда видеоконференцалоқанинг қўлланилиши ҳолатлари ҳамда ушбу ҳаракат амалга оширилиши лозим бўлган шахснинг талабномасининг мавжудлиги билан изоҳланиши лозим. Бундан ташқари, процесс иштирокчиларини сўроқ қилиш жараёнида ҳамда сўроқ қилиш, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, гувоҳлик бериш, эксперименти ва далилларни

ходиса содир бўлган жойда текшириш ҳаракатларини амалга оширишда ҳам фойдаланилиши назарда тутилиши керак.

Шу билан бир қаторда, халқаро ҳамкорлик доирасида тезкор-қидирув гуруҳларини тузиш ва уларни ўтказиш хусусидаги БМТ «Трансмиллий жиноятчиликка қарши» ва «Коррупцияга қарши» конвенциялари, МДХ «Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Кишинев конвенцияси ҳамда «МДХ аъзо давлатлари ҳудудида ўзаро тезкор-тергов гуруҳларини тузиш тартиби ва фаолияти тўғрисида»ги битим, ШХТ «Терроризмга қарши» конвенцияларида назарда тутилган жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишда тергов, тезкор-тергов гуруҳларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ нормаларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига 354¹-модда сифатида киритиш ва ушбу моддани «Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишда тергов, тезкор-тергов гуруҳларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти» дея номлаш таклиф этилди. Мазкур қонунга киритиладиган қўшимча моддада тузилаётган тезкор-тергов гуруҳларнинг аниқ фаолияти муддати, томонларининг аниқ вазифа ва функциялари, гуруҳнинг таркиби кимлардан иборат бўлиши, ваколатли орган ва унинг вазифалари ҳақида базавий қоидалар ўз аксини топган бўлиши керак. Зеро, давлатлараро бу каби гуруҳлар тузилган тақдирда айнан шу масала юзасидан алоҳида шартнома тузилиши ва томонларнинг қай бири айбни эълон қилиши, ҳукм қаерда ижро этилиши, ўз фуқароларини ушлаб бериш ва бошқа шу каби масалалар мазкур шартномада ўз аксини топиши мақсадга мувофиқдир.

Мазкур бобда, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш, миллий ва халқаро ҳуқуқ нормаларини ўзаро мувофиқлаштириш, жазони ижро этиш, маҳкумнинг ижтимоий реабилитацияси ҳамда хорижий давлат фуқаросини ўз давлатида жазони ўташ ҳуқуқи борлигини тан олиш ва уни амалга ошириш, шунингдек, суд ҳокимиятининг мустақиллиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг кафолатлари, инсонпарварлик нуқтаи назаридан маҳкумга яқин бўлган атроф муҳит орқали нормал ҳаётга қайтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ЖПКга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган, шунингдек, руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун фуқаролигига тегишли бўлган давлатга топширишни ва қабул қилишни тартибга солувчи янги 66-бобнинг муаллифлик таҳрири ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш таклиф этилган.

Диссертант, таклиф этилаётган ЖПКга қўшимча киритилиши назарда тутилган 66 боб қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 9- 54- ва 185-моддаларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКси ва халқаро шартномаларга кўра, хорижий давлат фуқароси бўлган (хорижда доимий яшовчи фуқаролиги йўқ шахс) маҳкумнинг ўз давлатида жазони ўташ ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисидаги қоида киритиш ҳамда 173-, 189- моддаларга эса, маҳкумнинг озод этилгани, руҳий касалликка чалинган шахсга нисбатан қўлланилаётган

тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ўзгарган, тугатилган ёки бекор қилинган ҳар қандай ҳолатларда ваколатли орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан ҳукм чиқарган хорижий давлатни, маҳкумнинг яқин қариндошларини хабардор этиши масалалари ўз аксини топиши лозимлигини асослаб беради.

ХУЛОСА

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш масалаларини комплекс равишда ўрганиш ва таҳлил қилишга бағишланган илмий тадқиқотнинг натижалари бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни қуйидаги уч йўналишда шакллантириш мақсадга мувофиқ:

Биринчи йўналиш – халқаро ҳуқуқнинг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлигига оид назарий қоидаларини ривожлантириш бўйича қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинди:

1) Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизми тушунчаси борасида ҳозирги кунга қадар яқдил фикр шаклланмаганлиги, уни ташкил қилувчи институтлар доираси аниқ белгиланмаганлиги, шу билан бир қаторда, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини амалга оширишда келиб чиқаётган турли хил муаммолар мавжудлиги аниқланди. Хусусан, халқаро жиноят ҳуқуқи соҳаси давлатларнинг жиноятчиликка қарши кураш ва уни олдини олиш масалалари ҳамда содир этилган жиноятлар учун жазо муқаррарлигини таъминлаш борасида халқаро ҳамкорлик муносабатларига оид принцип ва нормаларни тартибга солади. Мазкур икки муносабатни ўрнатиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг бир-биридан фарқ қилади.

2) Жиноятчиликка қарши кураш борасида халқаро ҳамкорлик жиноятчилик содир этилишини олдини олиш, вужудга келаётган жиноятчиликнинг янги шакллари аниқлаш, жиноятчиликка қарши курашишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва давлатларнинг ҳамжиҳатлиги, бирдамлиги орқали амалга ошириладиган муносабатдир. Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик эса, содир этилган жиноят учун халқаро ҳамкорликнинг турли шакл ва йўналишлари орқали жавобгарлик муқаррарлиги ҳамда одил судловни таъминлаш ҳамда халқаро ва миллий ҳуқуқ нормалари билан мустаҳкамланган ҳуқуқий механизмлар орқали амалга оширилади.

3) Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик муносабатлари - экстрадиция, ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва маҳкумни топшириш институтларидан иборат эканлиги ва ҳар бири алоҳида процессуал ҳаракатларни талаб қилиши асослантирилиб, қуйидаги муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди:

- экстрадиция бу, халқаро шартнома, миллий қонунчилик ёки ўзаролик принциплари асосида жиноят содир этган шахсни жинойий жавобгарликка тортиш ёки унга нисбатан чиқарилган ҳукмни ижро этиш мақсадида ушлаб бериш тўғрисидаги талабномага асосан, сўраётган томондан барча шартлар бажарилган тақдирда уни қаноатлантиради ёки бунинг учун этарлича асослар мавжуд бўлса қаноатлантиришни рад этиши тўғрисидаги бир томондан давлат ва иккинчи томондан бошқа давлат ёки халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъекти ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар мажмуидир;

- жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам - давлат томонидан жиноят ишларида фойдаланиши учун далил йиғишда хорижий давлатдан

ёрдам сўраш ва уни таъминлаш жараёни ҳисобланади. Бу эса, жиноий жараённинг ҳар қандай босқичида – терговдан тортиб то судгача таъминланиши мумкин. Бу ўз ичига қуйидагиларни олиши мумкин: гувоҳликка олиш, тергов ёки суд учун шахсларнинг кўрсатмалари; далил тўғрисидаги маълумотномалар, ёзма тасмалар, ҳужжатлар ва суд чакирув қоғози каби ҳужжатлар тақдим этишдир. Бу яна шахсни аниқлаш ва жойлаштириш, гувоҳликка олиш учун қамоққа олишдаги шахсларни ўтказиш ва излаш, қўлга олиш учун сўровларни бажаришни ўз ичига олади;

- маҳкумни у фуқароси бўлган мамлакатга тайинланган жазони ўташ учун юбориш фақат шахснинг хоҳишига кўра амалга ошириладиган жараён бўлиб, маҳкум фуқароси бўлган давлат топшираётган мамлакатда чиқарилган ҳукмни тан олади ҳамда унинг ижросини таъминлашни ўз мажбурияти деб билади.

4) Тадқиқот доирасида олиб борилган жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик моҳияти ва уни такшил этувчи институтларининг ўзига хос хусусиятларини таҳлили натижасида, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмига қуйидагича муаллифлик таърифи берилди: *«Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизми - ўзида экстрадиция, ўзаро ҳуқуқий ёрдам, озодликдан маҳрум қилинган шахсларни топшириш, рухий касалликка чалинган шахсларни мажбурий тиббий даволаниши учун фуқароси бўлган давлатга топшириш институтларни мужассамлаштиришган халқаро ва миллий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ҳамда мазкур муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ваколатлари доирасини ва амалга ошириш тартибини белгилайдиган яхлит тизимдир».*

5) Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини қуйидагича таснифлаш таклиф этилади: 1) процессуал ҳаракатларнинг бажарилиши кўра: экстрадиция, ўзаро ҳуқуқий ёрдам, озодликдан маҳрум қилинган шахсларни топшириш, рухий касалликка чалинган шахсларни мажбурий тиббий даволаниши учун фуқароси бўлган давлатга топшириш ва бошқалар; 2) жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини амалга ошириш доирасига кўра: универсал, регионал ва миллий; 3) жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини амалга ошириш кўламига кўра: кўптомонлама ва икки томонлама.

б) Турли мамлакатларда экстрадиция тушунчасини таърифлашда ушлаб бериш, тутиб бериш, топшириш, етказиб бериш каби атамалардан фойдаланишга чек қўйиш ва уни унификациясига (бирхиллашувига) эришиш мақсадида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг йўналишларидан бири бўлган ушлаб бериш институтининг мазмун-моҳиятини очиб берадиган энг маъқул ҳамда унинг мазмунига мутаносиб тушунча сифатида «экстрадиция» атамасидан фойдаланиш ўринлидир.

7) Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмининг ривожланиш тарихи, унинг ҳар бир даврдаги ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилиниб, уни қуйидагича даврлаштирилди: 1) Энг қадимги даврдан ўрта асрларнинг классик даврига қадар, яъни XVII асрларга қадар бўлган даврни ўз

ичига олган бўлиб, бунда қулдорлик, феодал тузум ҳамда ҳукмрон вакилларнинг асосан сиёсий ва диний ташвишлари асосида йўналтирилган ўзаро ҳамкорлик ҳаракатлари билан изоҳланади.; 2) XVIII асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмини ўз ичига олган бўлиб, бу даврда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг махсус халқаро шартномалар тузиш орқали мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракатларни кўриш мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бу даврдаги халқаро шартномаларнинг асосий қисми ҳарбий жиноятлар субъектларини жавобгарликка тортиш масалаларига қаратилган; 3) Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари билан боғлиқ давр бўлиб, аниқроғи 1919 йилдан 1990 йилга қадар бўлган даврни кўрсатиш лозим. ушбу даврга хос бўлган давлатларнинг ҳамкорлик соҳасидаги ҳаракати Миллатлар Лигаси сифатида тузилган биринчи универсал характердаги халқаро институтнинг фаолияти билан боғлиқ бўлиб, бу жиҳат давлатларнинг халқаро жиноятчиликка қарши курашда, жиноятчиларни ушлаш, топшириш, суд қилиш каби жараёнларда ўзаро ҳамкорлик соҳасидаги аввалги шартномалар асосида, лекин универсал ташкилотнинг бевосита иштирокида амалга оширилиши каби янги омилнинг вужудга келиши билан характерланади; 4) XX асрнинг 90-йиллари бошларидан то ҳозирги даврни эса шартли равишда охириги босқич сифатида кўришимиз мумкин. Чунки, халқаро жиноятлар ва трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашда давлатларнинг миллий қонунчилик механизми такомиллаштирилди, иккитомонлама ҳамда минтақавий ҳамкорлик тизими ҳам янги босқичга кўтарилди, бугунги кунда мазкур соҳани ривожлантириш борасида давлатлараро кўп ва икки томонлама шартномалар, дастур ва ўзаро келишувлар амалга оширилиб келмоқда;

8) Тадқиқот доирасида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик принципларини таснифлашнинг учта янги мезонни ишлаб чиқилди: а) жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишда юрисдикцияни белгилаб берувчи принциплари (универсаллик, жавобгарликнинг муқаррарлиги, фуқаролик); б) жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик масалаларига тааллуқли процессуал ҳаракатларни тартибга солувчи принциплар (икки ёқлама судловчилик (double criminality), махсуслашув принципи (specialty), ўзаролик, бир жинояти учун икки марта жазоланмаслик (non bis in idem)); в) жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар ёки рад этиш асослари (талабнома юборган давлат ҳудудида жиноят содир этилган бўлишчилик, жиноий таъқиб этиш муддати ўтмаганлиги, сиёсий жинояти учун жавобгарликдан озод этилиши, инсонпарварлик нуқтаи назаридан ушлаб беришни рад этиш) бўлиш орқали жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик принциплари тизимлаштирилди.

9) Универсал юрисдикция соҳасидаги бахслардан келиб чиқиб ва принципнинг нотўғри талқин қилинишини олдини олиш мақсадида бугунги кунда халқаро ҳуқуқни ривожлантириш ва кодификация ишларини олиб бораётган Халқаро ҳуқуқ комиссия томонидан асосий тушунчалар ишлаб чиқилиши лозимлиги асослантирилди. Уларга қуйидагилар киради:

(1) универсал юрисдикция тушунчаси ва унинг турларининг таснифлаш; (2) халқаро одат ҳуқуқига кўра универсал юрисдикция доирасига кирувчи жиноятлар рўйхатини аниқлаштириш; (3) давлат мандабдор шахсларининг иммунитетлари масаласи; (4) универсал юрисдикция ва халқаро ҳуқуққа кўра экстрадиция ёки жиноий қидирув масаласи ўртасидаги муносабатлар; (5) универсал юрисдикция принципини сиёсийлаштиришга қарши ҳимоялаш жараёнини ишлаб чиқиш; (6) универсал юрисдикция амал қилувчи давлатлар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш механизми.

10) Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмининг халқаро-ҳуқуқий асосларини таҳлил этишни осонлаштириш ҳамда ушбу масалани атрофлича тадқиқ этиш мақсадида улар бир неча гуруҳларга таснифланди: а) жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликка оид қоидаларни кўзда тутувчи кўп томонлама универсал намунавий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар; б) жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликка оид минтақавий шартномалар; в) жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик масаласида имзолаган икки томонлама шартномалар; г) давлатларнинг прокуратура органлари ёки ички ишлар вазирликлари билан тузилган идоралараро икки ёки кўптомонлама шартномалари; д) жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишда халқаро судларнинг таъсис ҳужжатлари.

11) Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид қонун ҳужжатлари, хусусан, жиноят ва жиноят процессал қонунчилигида назарда тутилган ўзаро келишувларга мувофиқ ҳамкорлик иштирокчиси бўлган давлатларнинг соҳага оид қонунчилиги ташкил этади. Шулардан келиб чиққан ҳолда, ҳозирда Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг уч хил (шартномавий-ҳуқуқий, шартномасиз, институционал) шакл асосида олиб борилиши асослантирилди.

12) Халқаро ҳуқуқнинг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлигининг асосий йўналишлари қуйидагича таснифланди: а) экстрадиция; б) жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам; в) озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазо ўташни давом эттириш учун юбориш; г) рухий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун фуқаролигига тегишли бўлган давлатга топшириш ва қабул қилиш институтлари.

Иккинчи йўналиш – жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини ҳуқуқий тартибга солиш асосларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди:

Келгусида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш чоғида халқаро ҳуқуқий ва миллий жиноят-процессуал фаолиятни такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни қабул қилиш, ратификация қилиш ҳамда имзолаш таклиф қилинди:

- Тезкор-тергов гуруҳлари ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг янги шаклларида бири эканлиги ва бугунги кунда бу борада халқаро тажриба мавжудлиги, содир этилган жиноятлар трансчегаравий хусусиятга эга бўлиши, далилларни тўплашда ёки топишда тезкор ахборот алмашиши ва бунга давлатларнинг ваколатли органлари биргаликда ҳақарат қилиши ҳамда мазкур тадбирлар давлатлараро махсус келишувлар билан расмийлаштирилишини ҳисобга олиб, БМТ томонидан «Тезкор-тергов гуруҳларини тузиш тўғрисида»ги Намунавий шартнома қабул қилиниши лозим. Бу каби намунавий шартноманинг қабул қилиниши давлатларнинг ваколатли органлари (судьялар, прокурорлар ва терговчилар) томонидан жиноий суриштирув ишини олиб боришда кўрсатма шаклида ўзаро ҳамкорлик шартномасини тузиши ҳамда халқаро одат ҳуқуқ нормалари асосида ишлаб чиқилган қоидалар орқали давлатларнинг суверенитети ва хавфсизлигига таҳдидларни олдини олишида аҳамиятлидир.

- БМТ намунавий шартномаларини ишлаб чиқишда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, қийноқ ёки бошқа шафқатсиз муомалаларни олдини олиш ва асосийси халқаро одат ҳуқуқ нормалари ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинган. Шу боис, БМТнинг Намунавий шартномаларини Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликни олдини олишда, унга қарши курашда ҳамда жиноий одил судлов соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширишга тааллуқли бўлган икки томонлама шартномаларни қайта кўриб чиқиш ва келажакда тузиладиган халқаро шартномалар учун асос сифатида олиш мақсадга мувофиқлиги белгиланди;

